

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

13-сон
(1085)
2023 йил
апрель

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

96. «Педагог ходимларнинг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 27 мартдаги ўРҚ–826-сон Қонуни
97. «Тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 27 мартдаги ўРҚ–827-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

98. «Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 мартдаги ПФ–45-сон Фармони

99. «Аграр секторни замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 мартдаги ПҚ–103-сон қарори
100. «Жаҳон банки иштирокидаги «Ўзбекистон бинолари учун тоза энергия» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 30 мартдаги ПҚ–106-сон қарори
101. «Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 апрелдаги ПҚ–107-сон қарори

Учинчи бўлим

102. «Гематология, онкология, клиник иммунология, бошқа стационар ва узоқ муддатли амбулатор даволанишда бўлган болаларга таълим ва тарбия бериш тизимини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 мартдаги 134-сон қарори

Бешинчи бўлим

103. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил 17 мартдаги 4-сон ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 16 мартдаги 5-сон «16 ёшгача бўлган ногирон болаларни тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида кўрикдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2752-1*)
104. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 6 мартдаги 3-сон «Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжат айланиши тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1297-6*)
105. Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг 2023 йил 10 мартдаги 01/15-05/01-сон «Электрон биржа савдо тизимида оид умумий талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1618-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**

96 Педагог ходимларнинг хизмат вазифаларини бажаришига таълим ташкилотларининг педагог ходимларини ўз хизмат вазифалари билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш ҳолларига қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган қонун ҳужжатларини ҳамда уларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил
17 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 2 мартда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда мажбурий меҳнатга барҳам бериш, айниқса, таълим ташкилотларининг педагог ходимларини ўз хизмат вазифалари билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш ҳолларига қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган қонун ҳужжатларини ҳамда уларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бироқ педагог ходимларни уларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган тадбирларга жалб этиш ҳоллари давом этмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига педагог ходимларни меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаганлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин худди шундай қилмишни такроран содир этганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи норма киритилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига педагог ходимларни меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаганлик, шунингдек уларнинг касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши назарда тутилмоқда.

Ушбу Қонун таълим ташкилотининг педагог ходимларини мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун, педагог ходимларнинг касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарликни кучайтиришга, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши-

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 28 мартда эълон қилинган.

нинг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда) **148²-моддаси** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно, таълим ташкилотининг педагог ходимига нисбатан худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-мод-

да, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 667-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1189-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **51-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Худди шундай ҳуқуқбузарлик таълим ташкилотининг педагог ходимига нисбатан содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллик бараварига гача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **197⁵-модда:**

номидаги «Таълим муассасаси» деган сўзлар **«Таълим ташкилоти»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Таълим ташкилоти педагог ходимининг касбий фаолиятига таълим олувчиларнинг билимини тўғри ва холис баҳолашига таъсир кўрсатиш билан ифодаланган тарзда қонунга хилоф равишда аралашиш ёки таълим

ташкilotи педагог ходимининг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

Иккинчи қисмининг санкцияси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

3) **283-модданинг еттинчи қисмидаги** «Ушбу Кодекснинг 197⁵-модда-сида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда (таълим муассасаси педагог ходимининг касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда ара-лашиш ёки ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш), таълим муассасасининг педагог ходими» деган сўзлар «Ушбу Кодекснинг 197⁵-модда-сида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда (таълим таш-килоти педагог ходимининг касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда ара-лашиш ёки ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш), таълим ташкилотининг педагог ходими» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўл-ган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 27 март,
ЎРҚ–826-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

97 Тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил
13 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 2 мартда
маъқулланган

Сўнгги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами-ни, шошилиш тиббий ёрдами ва ихтисослаштирилган тиббий хизматлар тармоғини ўз ичига олувчи уч босқичли миллий тиббиёт модели яратилди, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар самарадорлигини, сифатини ва қулайлигини ошириш таъминланмоқда.

Шу билан бирга, охириги пайтларда беморлар ва уларнинг яқин қариндошлари томонидан тиббиёт ходимларига тажовуз қилиш ҳоллари кўпайиб бормоқда. Бу жараёнда тиббиёт ходимларини беморларнинг соғлиғи ёмонлашишида ёки ўлимида асосиз равишда айблаш, шунингдек ҳеч бир сабабсиз шифокорларга ва ўрта тиббиёт ходимларига тажовуз қилиш ҳоллари юз бермоқда.

Бироқ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги амалдаги кодексига хизмат вазифаларини бажарётган тиббиёт ходимларига нисбатан қонунга хилоф равишда турли шаклларда таъсир ўтказганлик, шунингдек тиббиёт ходимларининг тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун тўғридан-тўғри маъмурий жавобгарлик белгиланмаган.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланган янги модда билан тўлдирилмоқда.

Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши тиббиёт ходимлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва уларнинг касбий фаолиятига турлича аралашувларнинг олдини олишга, шифокорлик касбининг мақоми ҳамда нуфузини оширишга, фуқароларга ўз вақтида ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатилишига хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекис-

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 28 мартда эълон қилинган.

тон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 667-модда, № 10, 981, 984-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **197⁷-модда** билан тўлдирилсин:

«197⁷-модда. Тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилиш

Тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки шу мақсадда тиббиёт ходимига қонунга хилоф равишда ҳар қандай шаклда таъсир ўтказиш, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми** «197⁶» рақамидан кейин «197⁷» рақами билан тўлдирилсин;

3) **305-модданинг иккинчи қисми** «197⁵» рақамидан кейин «197⁷» рақами билан тўлдирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 27 март,
ЎРҚ–827-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

98 Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида*

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар изчиллигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг даромадларини ошириб бориш мақсадида:

1. 2023 йил 1 апрелдан бошлаб пенсиялар ва нафақалар миқдори 7 фоизга оширилсин.

2. 2023 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори — ойига 347 000 сўм;

ёшга доир энг кам пенсия миқдори — ойига 677 000 сўм;

ногиронлик пенсиялари, жумладан иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори — ойига 747 000 сўм;

меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ва болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа миқдори — ойига 747 000 сўм;

1941 — 1945 йиллардаги уруш оқибатида ногирон бўлган шахслар ва унинг қатнашчилари, шунингдек, фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шахри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамаларни инobatга олган ҳолда — ойига 3 296 000 сўм;

белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан (677 000 сўмдан) 747 000 сўмгача пенсия олувчиларнинг ёшга доир пенсиялари миқдори — ойига 747 000 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги фуқароларга бериладиган нафақа миқдори — ойига 535 000 сўм;

иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда — ойига 535 000 сўм;

ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вакилига бериладиган нафақа миқдори — ойига 535 000 сўм;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори — ойига 535 000 сўм этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун — 198 000 сўмдан қўшилсин;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори — ойига

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 29 мартда эълон қилинган.

535 000 сўм этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўлансин.

3. 2023 йил 1 майдан бошлаб бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори 7 фоизга оширилсин.

4. 2023 йил 1 майдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида: меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори — ойига 980 000 сўм; базавий ҳисоблаш миқдори — ойига 330 000 сўм этиб белгилансин.

5. Белгилансинки:

бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақларини ошириш билан боғлиқ харажатлар — Ўзбекистон Республикасининг «2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини, шунингдек, айрим хизмат турлари бўйича тарифларни ошириш билан боғлиқ харажатлар учун ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан;

пенсиялар ва нафақалар миқдорларини ошириш билан боғлиқ харажатлар — Давлат бюджети ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

6. Мазкур Фармон талабларини бажариш учун талаб этиладиган қўшимча маблағлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети харажатларини ошириш ҳисобига молиялаштирилсин.

Иш берувчиларга иш ҳақи миқдорини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорини меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

7. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу Фармоннинг мақсади, вазифалари ва ундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб иқтисодиёт ва молия вазири Ш.Д. Кудбиев белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 28 март,
ПФ–45-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**99 Аграр секторни замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида***

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда зарур агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, аграр секторда қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган талабни қондириш, қишлоқ хўжалиги корхоналарини маънан ва жисмонан эскирган техникалар ўрнига замонавий ва ресурстежамкор техникалар билан таъминлашни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникалари харидини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги ягона тартиби 2023 йил 1 апрелдан бошлаб жорий қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 ноябрдаги «Чирчиқ шаҳрида қишлоқ хўжалиги машинасозлик кластерини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–7-сон қароридан назарда тутилган субсидиялар барча маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчи корхоналарга татбиқ этилади;

қишлоқ хўжалиги корхоналари ва тадбиркорлик субъектлари томонидан ўрнатилган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича хориждан олиб келинадиган барча турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатлари ҳамда уларнинг бутловчи буюмлари ва эҳтиёт қисмлари, истисно тариқасида, 2025 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) ва утилизация йиғимидан озод қилинади ҳамда тадбиркорлик субъектларига эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштирилган санадан бошлаб қўшилган қиймат солиғини 270 кунгача бўлган муддатга кечиктириб тўлашга рухсат берилади;

халқаро молия институтлари томонидан лизинг компанияларига ажратилган маблағлар доирасида ўзини ўзи банд қилган шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга қишлоқ хўжалиги техникаси ва агрегатларини лизингга беришга рухсат этилади;

2. 2023-2024 йилларда қишлоқ хўжалиги техникаси харидини молиялаштириш учун жами 2,6 трлн сўм йўналтирилсин, шундан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 июлдаги ПҚ–335-сон қарорига асосан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш учун тижорат банкларига жойлаштирилган 100 млн АҚШ долларидан 2022 йилда ўзлаштирилмасдан қолган 670 млрд сўм (59 млн АҚШ доллари) миқдоридagi маблағ техника хариди учун 10 фоиз ставкада 10 йилга кредит ажратиш учун;

800 млрд сўм (70 млн АҚШ доллари) — халқаро молия институтлари

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 30 мартда эълон қилинган.

маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш учун лизинг ташкилотларига жойлаштириш ҳисобига;

1,1 трлн сўм (100 млн АҚШ доллари) — халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш учун тижорат банкларига жойлаштириш ҳисобига.

Бунда:

хизмат кўрсатадиган тижорат банклари томонидан лизинг ташкилотларига кредит ажратилишида гаров таъминоти сифатида лизингга бериладиган техникалар ва суғурта полиси қабул қилиниши мумкин;

халқаро молия институтларидан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан харидорларга қишлоқ хўжалиги техникалари лизинг маржаси йиллик 3 фоиздан ошмаган ставкада 10 йилгача бўлган муддатга Қишлоқ хўжалиги вазирлиги буюртмаси асосида лизингга берилади.

3. Тижорат банкларига лизинг компанияларига қишлоқ хўжалиги техникаларини етказиб бериш учун қарз маблағларини гаров таъминоти сифатида сотиб олинadиган қишлоқ хўжалиги техникасини, кредитнинг бутун даври учун қарз маблағларини қайтармаслик хатарларидан 100 фоиз гаров сифатида суғурта полисини ёки учинчи шахсларнинг кафиллигини қабул қилиш орқали ажратиш тавсия этилсин.

Марказий банк Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда ўн кун муддатда тижорат банклари томонидан гаров таъминоти сифатида қабул қилинадиган суғурта компаниялари томонидан тақдим этиладиган қарз маблағларини қайтармаслик хатарларидан суғурта полиси (шартномаси)нинг намунавий шаклини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги икки ой муддатда суғурта бозорини такомиллаштириш, хавф-хатарларни тўғри баҳолаш, айниқса, бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш учун ресурслар ҳисобига кредитларга нисбатан суғурта операциялари устидан пруденциал назоратни кучайтириш бўйича таклиф киритсин.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳар йили 1 октябрга қадар маҳаллий ва жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчиларини жалб қилган ҳолда кейинги йил учун қишлоқ хўжалиги техникаларини етказиб беришнинг мақсадли параметрларини ишлаб чиқиб, Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилишини таъминласин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳар йили тақдим этиладиган қишлоқ хўжалиги техникаларини етказиб беришнинг мақсадли параметрлари ва етказиб берилadиган қишлоқ хўжалиги техникалари турларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги техникасини лизинг шартларида етказиб беришнинг молиялаштириш манбаларини уларни ажратиш даврлари кесимида шакллантирсин ҳамда Жамғармадан маблағлар ажратилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари иловага мувофиқ 2023 йил 1 апрелдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўз-

гартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар кiritсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров, иқтисодиёт ва молия вазири Ш.Д. Кудбиев ва қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 29 март,
ПҚ–103-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 29 мартдаги
ПҚ–103-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон
Республикаси Ҳукуматининг 2023 йил 1 апрелдан ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 майдаги «Қишлоқ хўжалигини ўз вақтида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3712-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 апрелдаги «Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан ўз вақтида таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4268-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги «Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4410-сон қарорининг 6-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 ноябрдаги «2021 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ишларини молиялаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 666-сон қарорининг 4-банди учинчи хатбошиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**100 Жаҳон банки иштирокидаги «Ўзбекистон бинолари учун тоза энергия» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги «Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4779-сон ва 2022 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2023 — 2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–459-сон қарорларига мувофиқ, шунингдек, ижтимоий соҳа объектларида энергия самарадорлигини ошириш, электр энергияси ҳамда иссиқлик энергияси сарфини тежаш, уларни энергия тежайдиган технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари билан таъминлаш, норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда Жаҳон банки билан ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

а) «Ўзбекистон бинолари учун тоза энергия» лойиҳасини (кейинги ўринларда — Лойиҳа) амалга ошириш учун Жаҳон банкининг Директорлар кенгаши 2022 йил 24 июнда Халқаро тараққиёт уюшмаси томонидан Ўзбекистон Республикасига 30 йил муддатга, шу жумладан 5 йиллик имтиёзли давр билан 143,0 млн АҚШ доллари миқдорига қарз маблағлари ажратилишини маъқуллагани;

б) Лойиҳа:

138,0 млн АҚШ доллари миқдорига молиялаштириш ҳажмига эга «Жамоат биноларида энергия самарадорлигини ошириш ҳамда тоза энергия учун инвестиция киритиш» компоненти;

5,0 млн АҚШ доллари миқдорига молиялаштириш ҳажмига эга «Лойиҳа доирасида техник кўмак бериш, персоналлар салоҳиятини ошириш ҳамда унинг амалга оширилишини қўллаб-қувватлаш» компонентидан иборат эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

Лойиҳа 2023 — 2028 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида амалга оширилади;

Лойиҳанинг самарали амалга оширилиши учун Энергетика вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) томонидан дастлабки босқичларда ушбу соҳада тажрибага эга бўлган халқаро консультантлар жалб қилинади ҳамда юридик шахс сифатида Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи ташкил этилади;

Лойиҳани амалга ошириш жараёнига умумий ҳолда назорат қилиш ва мувофиқлаштиришга масъул Лойиҳанинг амалга оширилишини мувофиқлашти-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 1 апрелда эълон қилинган.

риш бўйича идоралараро комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) ва харидларни амалга ошириш учун Идоралараро харид комиссияси тузилади;

Лойиҳани амалга ошириш доирасида ҳосил бўладиган қўшилган қиймат солиғи суммаси қонунчиликда белгиланган тартибда республика бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади;

Лойиҳани амалга ошириш доирасида қўшилган қиймат солиғи суммасини республика бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш Ўзбекистон Республикасининг Лойиҳани амалга оширишдаги улуши деб ҳисобланади;

Жамғарманинг ижрочи директорига Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи раҳбари ва ходимларига қонунчиликда тақиқланмаган манбалар ҳисобидан иш ҳақиға қўшимча ҳақ ва устамалар белгилаш ҳуқуқи берилади;

Жамғарма ва Лойиҳани амалга ошириш гуруҳига, истисно тариқасида, Лойиҳа доирасида тижорат банкларида миллий ва чет эл валюталарида маҳсус ҳисоб рақамлар очишға руҳсат берилади.

3. Қўйидагилар:

Жаҳон банки иштирокидаги «Ўзбекистон бинолари учун тоза энергия» лойиҳасининг асосий техник-иқтисодий параметрлари 1-иловаға* мувофиқ;

Жаҳон банки иштирокидаги «Ўзбекистон бинолари учун тоза энергия» лойиҳасини амалга ошириш доирасида Халқаро тараққиёт уюшмаси томонидан ажратиладиган қарз маблағларидан фойдаланиш, уларни қайтариш, комиссия ва фоиз тўловларини амалга ошириш бўйича прогноз графиги 2-иловаға* мувофиқ;

Жаҳон банки иштирокидаги «Ўзбекистон бинолари учун тоза энергия» лойиҳасини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» 3-иловаға* мувофиқ;

Жаҳон банки иштирокидаги «Ўзбекистон бинолари учун тоза энергия» лойиҳасининг амалга оширилишини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро комиссия таркиби 4-иловаға* мувофиқ;

Жаҳон банки иштирокидаги «Ўзбекистон бинолари учун тоза энергия» лойиҳасининг амалга оширилишини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро комиссия тўғрисидаги низом 5-иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

4. Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоровға Ўзбекистон Республикаси номидан Халқаро тараққиёт уюшмаси билан молиявий битимни имзолаш ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирига Лойиҳани амалга оширувчи ташкилот битимини имзолаш, шунингдек, зарур ҳолларда, ушбу битимларға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати берилсин.

Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров икки ой муддатда Халқаро тараққиёт уюшмаси билан молиявий битим имзоланишини таъминласин.

Бунда, қарз маблағларини қайтариш манбалари сифатида қўйидагилар белгилансин:

модернизация қилинган объектларда коммунал хизматларни тўлаш бўйича харажатлар учун маҳаллий бюджетлардан ажратиладиган маблағларнинг иқтисод қилинган қисми;

иқтисод қилинган маблағларнинг етмаган қисми бўйича Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

* 1 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

Лойиҳани амалга оширишнинг дастлабки босқичларида (модернизация қилинадиган объектларда коммунал хизматларни тўлаш бўйича харажатлар учун маҳаллий бюджетлардан ажратиладиган маблағларнинг иқтисод қилинган қисми шакллангунга қадар) қарз маблағларининг ўзлаштирилган қисми бўйича фоиз тўловлари қоплаб берилиши;

модернизация қилинадиган объектларда коммунал хизматларни тўлаш бўйича харажатлар учун маҳаллий бюджетлардан ажратиладиган маблағларнинг иқтисод қилинган қисмини доимий тарзда Лойиҳани қайта молиялаштириш мақсадида Жамғармага ўтказиб берилишини таъминласин.

Бунда, коммунал хизматларни тўлаш бўйича харажатлар учун маблағларнинг иқтисод қилинган қисми объектларга ўрнатилган норматив миқдорларга нисбатан ҳисоблансин.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Лойиҳанинг амалга оширилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишини, шу жумладан харид қилинадиган техника, қурилмалар ва бошқа асбоб-ускуналарни ўрнатиш ва монтаж қилиш учун махсус жойлар (хоналар) тайёрланишини таъминласин.

Бунда, Халқаро тараққиёт уюшмаси ҳамда миллий қонунчилик талабларига мувофиқ Лойиҳа доирасида зарур ҳисоботлар ва ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланиши юзасидан жавобгарлик Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг биринчи раҳбарларига юклатилсин.

7. Қуйидагилар:

а) Энергетика вазирлиги ва Жамғарма:

Лойиҳани ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширишга жавобгар этиб;

жалб этилаётган қарз маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, харидларни амалга ошириш, реконструкция ишларини назорат қилиш ва ҳисоботларни юритиш учун масъул ижро этувчи органлар этиб;

б) Жамғарма, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги модернизация (реконструкция) қилиниши режалаштирилган ижтимоий соҳа объектлари рўйхати шакллантирилиши ҳамда Лойиҳанинг мазкур рўйхатга киритилган объектларда муваффақиятли амалга оширилишига, уларнинг ҳудудий бошқармалари ва маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари эса — модернизация (реконструкция) қилинган объектларни қабул қилиб олишга масъул этиб белгилансин.

8. Энергетика вазирлиги Жамғарма билан биргаликда икки ой муддатда молиявий битим доирасида ажратилган қарз маблағларидан фойдаланиш, ижтимоий соҳа объектларини модернизация ва реконструкция қилиш жараёнини назорат қилиш ҳамда мазкур ишлар якунланганидан сўнг уларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Комиссияга киритсин.

9. Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда Халқаро тараққиёт уюшмаси билан имзоланадиган молиявий битим юзасидан белгиланган тартибда юридик хулоса берсин.

10. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги:

Лойиҳа доирасида амалга ошириладиган қурилиш ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатларининг белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилиши;

Энергетика вазирлиги билан биргаликда бинолар энергия аудитидан ўтказилишининг мувофиқлаштирилиши;

Лойиҳа доирасида бажарилган қурилиш-монтаж ишлари сифати юзасидан тегишли давлат архитектура-қурилиш назорати олиб борилишини таъминласин.

Бунда, Лойиҳа доирасида қурилиш-таъмирлаш ишларини ташкил этиш ва бажариш бўйича фаолиятни йўлга қўйишдан олдин, белгиланган тартибда давлат экология экспертизасининг ижобий хулосаси олингандан сўнг қурилишга рухсат берилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб энергетика вазири Ж.Т. Мирзамахмудов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 30 март,
ПҚ–106-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 30 мартдаги
ПҚ–106-сон қарорига
5-ИЛОВА

Жаҳон банки иштирокидаги «Ўзбекистон бинолари учун тоза энергия» лойиҳасининг амалга оширилишини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро комиссия тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Жаҳон банки иштирокидаги «Ўзбекистон бинолари учун тоза энергия» лойиҳасининг амалга оширилишини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) мақоми, асосий вазифаларини, Комиссия аъзоларининг ҳуқуқлари, маж-

буриятлари ва жавобгарлигини белгилайди ҳамда уларнинг фаолиятини тартибга солади.

2. Қўйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Жаҳон банки иштирокидаги «Ўзбекистон бинolari учун тоза энергия» лойиҳасини (кейинги ўринларда — Лойиҳа) амалга оширишда идоралараро ўзаро ҳамкорлик ҳамда маълумот алмашинувини мувофиқлаштириш;

Лойиҳа доирасида модернизация (реконструкция) қилинадиган объектлар рўйхатининг ўз вақтида ва сифатли шакллантирилишини таъминлаш; шакллантирилган рўйхат бўйича объектларни кўшиш ва чиқариб ташлаш масалаларини ҳал қилиш;

Лойиҳани амалга ошириш жараёни, шу жумладан қурилиш ишлари ва консултантлар фаолиятини доимий назорат қилиш ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф қилиш;

Лойиҳа доирасида маблағларнинг мақсадли сарфланиши, шунингдек, амалга оширилаётган ишлар ва ажратилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги ва натижадорлиги тўғрисида белгиланган тартибда тузиладиган ишчи гуруҳларнинг ҳисоботларини доимий равишда эшитиб бориш;

Лойиҳа доирасида маблағлардан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, асоссиз амалга оширилган харажатлар ва етказилган зарарни қоплаш ҳамда суиистеъмол қилиш ҳолатларини бартараф этиш чораларини кўриш.

2-боб. Комиссиянинг ҳуқуқлари

3. Комиссия ўз ваколатлари доирасида қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Лойиҳанинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши учун зарур бўлган қарорлар қабул қилиш;

Лойиҳанинг техник-иқтисодий кўрсаткичларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиш;

Лойиҳа доирасида бажарилган ишлар бўйича ахборот ва материалларни талаб қилиб олиш;

Лойиҳа доирасида бажарилаётган ишлар бўйича аффилиланган шахслар билан тузилаётган шартномаларни кўриб чиқиш;

Лойиҳанинг самарали амалга оширилишини таъминлаш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар бериш.

Комиссия қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4. Комиссия ҳуқуқлари ижро этиш учун учинчи шахсларга, шу жумладан Комиссиянинг бошқа аъзоларига ўтказилиши мумкин эмас, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

5. Комиссия Лойиҳанинг самарали ва мақсадли бошқарилишини, шу жумладан Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи ваколатлари ҳамда жавобгарлиги тақсимланишини, манфаатлар тўқнашувининг олди олинишини ва уларнинг бартараф этилишини таъминлайдиган бошқарувнинг ташкилий тузилмасини белгилайди ҳамда унинг жорий этилиши устидан назоратни амалга оширади.

3-боб. Комиссия таркиби

6. Комиссия таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

7. Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.

4-боб. Комиссия раиси

8. Комиссия раиси Комиссия фаолиятини ташкил этади, Комиссия мажлисларида раислик қилади ҳамда Комиссия мажлисларининг баённомаси юритилишини назорат қилади.

9. Комиссия раиси узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда, унинг вазифасини Комиссия раисининг ўринбосари амалга оширади.

10. Комиссия аъзолари ўртасидаги функцияларни тақсимлаш Комиссия раиси томонидан Комиссиянинг ҳар бир маълум аъзоси учун амалга оширилади.

5-боб. Комиссия аъзоларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

11. Комиссия аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Комиссия мажлисида шахсан иштирок этиш ва регламент билан ажратилган вақт доирасида мажлисда муҳокама қилинадиган масала бўйича сўзга чиқиш;

ўзи ифода этаётган вазирлик (идора) тасарруфидаги объектлар модернизацияси (реконструкцияси) бўйича таклифлар бериш;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар.

12. Комиссия аъзолари ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишда Лойиҳани амалга ошириш манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қилиши, ўз вазифаларини ваколатлари доирасида ҳалол бажариши, Лойиҳа истиқболли йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан иш кўриши, шунингдек, Лойиҳа билан боғлиқ бўлган тижорат сирини ошкор қилмаслиги шарт.

13. Комиссия аъзолари Лойиҳани амалга оширишда ўз вазифаларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

6-боб. Комиссия мажлиси

14. Комиссия мажлисининг кун тартиби Комиссия раиси томонидан белгиланади.

15. Комиссия мажлиси Комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

16. Комиссия қарорлари мажлисда қатнашган Комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

17. Комиссия мажлисларида овоз бериш бюллетенни тўлдириш орқали амалга оширилади.

Бюллетенни расмийлаштиришда мажлиснинг кун тартиби, мажлис ўтказиш санаси, вақти ва жойи, овоз беришга қўйилган ҳар бир масаланинг таърифи ва уни кўриб чиқиш навбати, ҳар бир масала бўйича овоз бериш учун «Рози», «Қарши» ёки «Бетараф» устунларига «+» ёхуд «V» белгилардан бири қўйилиши ҳамда Комиссия аъзосининг исми ва фамилияси кўрсатилган қаторга имзо қўйиш лозимлиги тўғрисида акс эттирилади.

18. Комиссия қарорлари Комиссия мажлисининг баённомаси билан расмийлаштирилади. Комиссия мажлисининг баённомаси Комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

19. Комиссиянинг мажлиси баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:
мажлис ўтказилган сана, вақти ва жойи;
мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
мажлиснинг кун тартиби;
овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

Комиссия томонидан қабул қилинган қарор мазмуни.

20. Комиссия мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамғарманинг ижрочи директори ва (ёки) Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи раҳбарига ижро этиш учун топширилади.

21. Комиссия аъзолари томонидан тўлдирилган ва ўз қўли билан имзоланган овоз бериш бюллетенлари Комиссия котибига топширилади.

7-боб. Яқуний қоидалар

22. Комиссия қарорларининг ижросини назорат қилиш Комиссия раиси томонидан амалга оширилади.

23. Мазкур Низом талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар белги-ланган тартибда жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**101** Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида*

Мамлакатимизда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш ҳамда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ушбу чора-тадбирлар натижасида бугунги кунда сувни тежайдиган технологиялар қамраб олган майдон суғориладиган майдонларнинг қарийб 25 фоизини ташкил қилиб, бунинг ҳисобига 2022 йилда 3 млрд куб метр сув иқтисод қилинди ҳамда 830 минг гектар такрорий экин майдонларини суғоришга йўналтирилди.

Прогноз маълумотларга кўра, 2023 йил вегетация даврида сув ресурслари ҳажми кўп йиллик меъёрга нисбатан Сирдарё ҳавзасида 10 — 15 фоизга, Амударё ҳавзасида 15 — 20 фоизга кам бўлиши кутилмоқда.

2023 йил ёзги суғориш мавсумида кутилаётган сув танқислиги шароитида қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ва иқтисодиёт тармоқларини сув билан барқарор таъминлаш ҳамда мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида:

1. 2023 йилда мавжуд сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

мавжуд сув ресурсларини сув истеъмолчилари орасида қатъий тақсимлаган ҳолда фойдаланиш;

сувни тежайдиган технологиялар жорий этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш;

ирригация тизимларида сув йўқотишларни камайтириш;

сув ресурсларини фермер даласигача етказиб бериш харажатларини мақбуллаштириш орқали тўлов шаффофлигини ошириш;

сув ресурсларнинг бошқарувида замонавий ахборот-коммуникация технологияларни жорий қилиш.

2. Сув хўжалиги вазирлигининг сув манбаларининг сувлилик даражасидан келиб чиққан ҳолда 2023 йилда ҳудудларда қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун 1-иловага** мувофиқ сув олиш лимитларини ўрнатиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Сув хўжалиги вазирлиги (А.С. Назаров) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ҳамда вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда 2023 йилда туманларда қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун сув истеъмолчилари кесимида сув олиш лимитларини ишлаб чиқсин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 3 апрелда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3. 2023 йил 1 апрелдан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги тартиби белгилансин:

тижорат банклари кредитларининг гаров таъминоти 50 фоизгача, бироқ 2,5 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси кафилиги асосида таъминланади;

тижорат банкларининг миллий валютада ажратиладиган, фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ошмаган кредитлари бўйича фоиз ставкасининг асосий ставкадан ошган, бироқ асосий ставканинг 30 фоизидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация тақдим этилади.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–144-сон қарорида белгиланган сувни тежайдиган технологияларни жорий қилишни қўллаб-қувватлаш тартиби сақлаб қолинади.

4. 2023 йилда сув хўжалиги объектларида рақамли қурилмаларни жорий қилиш бўйича прогноз кўрсаткичлар 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ҳамда вилоятлар ҳокимлари Сув хўжалиги вазирлиги (А.С. Назаров) ва Рақамли технологиялар вазирлиги (О.А. Пекось) билан биргаликда 2-иловада назарда тутилган тадбирларнинг маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга оширилишини таъминласин.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси (М.М. Мирзаев) Сув хўжалиги вазирлиги (А.С. Назаров), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Қ.А. Юлдашев) ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (М.Б. Азимов) билан биргаликда:

2024 йил 1 мартга қадар Қашқадарё вилояти Касби туманида барча сув кириш нуқталари бошқарувини рақамлаштириш ва сувни фойдаланувчиларга етказиб бериш бўйича тажриба-синов лойиҳасини (кейинги ўринларда — Лойиҳа) амалга оширсин;

бир ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирларни ташкил этишга қаратилган Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси тасарруфида Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи ташкил этилиши, молиялаштириш солиқ органларининг моддий ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилиши, фойдаланилган сув ресурсларининг истеъмолчилар кесимида аниқ ҳисобини юритиш тизими яратилиши ва бошқа зарурий чора-тадбирлар назарда тутилсин.

6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Д. Қудбиев) Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (А.А. Хаитов) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2023 йил

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

1 октябрга қадар сув ресурсларини фермер даласигача етказиб бериш харажатларини мақбуллаштириш орқали тўлов шаффофлигини ошириш бўйича тегишли қарор лойиҳасини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

Бунда қуйидагилар назарда тутилсин:

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сув етказиб бериш бўйича тўловларини мақбуллаштириш;

қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкасини қайта кўриб чиқиш;

сув хўжалигида махсус хизматларнинг молиялаштирилиш тизимини такомиллаштириш.

7. Сув хўжалиги вазирлиги (А.С. Назаров) Рақамли технологиялар вазирлиги (О.А. Пекось) ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси (М.М. Мирзаев) билан биргаликда сув етказиб берувчи ташкилотлар ва сув истеъмолчилари ўртасида расмийлаштирилган далолатномаларни ҳар ой якуни билан электрон шаклда тўлдириш ҳамда электрон рақамли имзолар орқали тасдиқлаш имконини берувчи «Suv hisobi» ахборот тизимини (кейинги ўринларда — «Suv hisobi» АТ) яратсин.

8. 2025 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги тартиб жорий этилсин:

республиканинг барча ҳудудларида «Suv hisobi» АТ жорий қилинади;

қишлоқ хўжалиги ерларини суғоришда ишлатилган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни ҳисоблашда «Suv hisobi» АТ орқали тақдим этилган маълумотлар асосида солиқ органлари томонидан солиқ ҳисоботларини автоматик шакллантириб бериш амалиёти жорий этилади.

9. Қуйидаги маълумотлар қишлоқ хўжалиги корхоналари ва деҳқон хўжаликлари кесимида «Suv hisobi» АТга киритиб борилиши таъминлансин:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан ҳар йили 10 майга қадар асосий майдонларга экиладиган экин турлари (пахта, ғалла, полиз, сабзавот, шоли ва бошқалар), ҳар йили 15 июлга қадар такрорий майдонларга экиладиган экин турлари тўғрисида;

Сув хўжалиги вазирлиги томонидан ҳар йили 1 августга қадар жорий йилда экилган экин турлари бўйича белгиланган сув истеъмоли нормативлари ва сув олиш лимитлари тўғрисида.

10. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Д. Қудбиев):

2024 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги сув истеъмолчилари учун сувни ўлчаш ва бошқаришнинг замонавий технологияларидан фойдаланилганда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларига камайтирувчи ва мазкур технологиялар ўрнатилмаган ҳолларда солиқ ставкаларига оширувчи коэффицентлар қўллаш бўйича 2023 йил 1 сентябрга қадар Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

Ўзбекистон Республикасининг келгуси йил учун Давлат бюджетини ишлаб чиқишда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини босқичма-босқич унификация қилиш чораларини кўрсин.

11. Сув хўжалиги вазирлиги (Р.Ж. Қаршиев) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Я. Хайдаров), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа

ер эгалари кенгаши (Т.А. Саттаров) билан биргаликда 2023 йил август ойига қадар 2022 йилда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилган ҳамда субсидия маблағларининг 50 фоизини олган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига тизимларнинг ишлатилишига қараб белгиланган субсидия миқдорининг қолган 50 фоизи туман ишчи гуруҳи хулосаси асосида ажратилишини таъминласин.

12. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Д.Ш. Султанов) Сув хўжалиги вазирлиги (А.С. Назаров) билан биргаликда 2023 йил 1 сентябрга қадар Сув хўжалиги вазирлигининг ҳисоб-китобларига асосан ҳар ойда сув хўжалиги махсус хизматлари ходимлари иш ҳақини молиялаштириш учун талаб этиладиган маблағларнинг Сув хўжалиги вазирлигининг алоҳида ҳисоб рақамига ўтказиб боришни ташкил қилиш бўйича таклифни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (А.Д. Вахабов) Сув хўжалиги вазирлиги (З.А. Ирисбоев) билан биргаликда 2023 йил 1 майга қадар сув ресурсларидан самарасиз фойдаланиш ва сув хўжалиги объектларининг гидротехник иншоотларидан ноқонуний фойдаланиш юзасидан жавобгарликни кучайтириш бўйича таклиф киритсин.

14. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Д.Ш. Султанов):

уч ой муддатда мазкур қарордан келиб чиқиб, «2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

«2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун қабул қилингунга қадар мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 4-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

17. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб сув хўжалиги вазири Ш.Р. Хамраев ҳамда иқтисодиёт ва молия вазири Ш.Д. Кудбиев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 1 апрель,
ПҚ–107-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 1 апрелдаги
ПҚ-107-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон
Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-144-сон қарорига:

а) 4-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мазкур банднинг тўртинчи, бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошиларида назарда тутилган қоида мевали боғ ва тоқзорлар барпо этиш лойиҳаларига татбиқ этилмайди. Бунда, мевали боғ ва тоқзорлар барпо этган талабгорлар томонидан мурожаат қилинганда уларга субсидия маблағларининг 100 фоизи ажратилади»;

б) 5-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2023 йил 1 апрелдан бошлаб мазкур қарорнинг 4-бандида назарда тутилган субсидия маблағлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига алоҳида махсус ҳисобрақамлар (23210) очиш орқали биринчи навбатда ажратилган кредитларни сўндиришга йўналтирилади»;

в) 9-банднинг саккизинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

г) 2-илованинг III бўлимида:

2-банддаги жадвал куйидаги тахрирда баён этилсин:

«

		МИНГ СЎМ					
Сувни тежайдиган сугориш тизими тури	Пахта	Дон экинлари	Сабзавот экинлари ва картошка	Полиз экинлари	Озуқабоп, мойли, дуккакли экинлар ва доривор ўсимликлар	Мевали экинлар	Узум
Томчилатиб сугориш	8 000*	х	8 000	1 300	2 500***	6 000	8 000
Кенг қамровли ва мобиль сугориш тизими	х	8 000**	8 000	х	2 500***	х	х
«Спринклер» тизими	х	8 000**	8 000	х	2 000***	х	х
Дискретли сугориш	4 000	х	х	х	х	х	х

* Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги пахта майдонларида жорий этилган томчилатиб сугориш тизимлари учун 12 000 минг сўм этиб белгиланади.

** Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги донли экинлар етиштириш майдонларида жорий этилган кенг қамровли ҳамда «спринклер» тизимлари учун 9 000 минг сўм этиб белгиланади.

*** Озуқа экин ер майдонларида томчилатиб сугориш, кенг қамровли ва мобиль сугориш ҳамда «спринклер» тизимларини жорий этган чорвачилик хўжаликларига 8 000 минг сўм этиб белгиланади»;

3-банддаги 3.1-жадвалда:

3.1-позициядаги «гидроциклонли, тозаланиши автоматлаштирилган қумли гидравлик автомат фильтр ва ўғит бериш мосламаси» сўзлари «гидроциклонли, тозаланиши автоматлаштирилган қумли, диски ёки сеткали фильтр ва ўғит бериш мосламаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

3.2-позициядаги «гидроциклонли, қумли, диски ёки сеткали ҳамда тозаланиши автоматлаштирилган фильтр ва ўғит бериш мосламаси» сўзлари «диски ёки сеткали, тозаланиши автоматлаштирилган қумли фильтр ва ўғит бериш мосламаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 3-иловадаги жадвалда:

«Пахта*» бўлими қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

Пахта*	
Томчилатиб суғориш	1 гектар экин майдони учун 25 миллион сўмдан ошмайдиган қисми бўйича лойиҳа сонидан қатъи назар, тижорат банкларининг миллий валютада ажратиладиган, фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ошмаган кредитлари бўйича асосий ставкадан ошган, бироқ асосий ставканинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда
Дискретли суғориш	Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низомда назарда тутилган шартларда

»;

«Донли экинлар*» бўлими қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

Донли экинлар*	
Кенг қамровли ва мобил суғориш	1 гектар экин майдони учун 25 миллион сўмдан ошмайдиган қисми бўйича лойиҳа сонидан қатъи назар, тижорат банкларининг миллий валютада ажратиладиган, фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ошмаган кредитлари бўйича асосий ставкадан ошган, бироқ асосий ставканинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда
«Спринклер» тизими	

».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 95-сон қарорига 1-иловада:

а) 19-банддаги «худудий ишчи гуруҳга» сўзлари «тегишли вазирлик ва идораларга» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 21-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 июндаги 352-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилишда божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган, ўхшаши республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар рўйхатининг 142¹- ва 143¹-позициялари чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 июлдаги «Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 441-сон қарорига 3-илованинг 2 ва 3-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 1 апрелдаги
ПҚ–107-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги «Пахта хомашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4087-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 октябрдаги «Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ПҚ–4499-сон қарорининг 11-банди ҳамда қарорга 2-илова.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

102 Гематология, онкология, клиник иммунология, бошқа стационар ва узоқ муддатли амбулатор даволанишда бўлган болаларга таълим ва тарбия бериш тизимини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Давлат тиббиёт муассасаларида гематология, онкология, клиник иммунология, бошқа стационар ва узоқ муддатли амбулатор даволанишда бўлган болаларни узлуксиз таълим-тарбия жараёнига жалб қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказида даволанаётган болалар учун мактабгача таълим ва тарбия ҳамда умумий ўрта таълим бериш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 5 майдаги 234-сон қарорига мувофиқ Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказида даволанаётган болаларга мактабгача таълим ва тарбия ҳамда умумий ўрта таълим бериш жараёнларини самарали ташкил этиш учун «Меҳрли мактаб» давлат таълим муассасаси (кейинги ўринларда — Меҳрли мактаб) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг гематология, онкология, клиник иммунология, бошқа стационар ва узоқ муддатли амбулатор даволанишда бўлган болалар даволанаётган давлат тиббиёт муассасаларида (кейинги ўринларда — тиббиёт муассасалари) Меҳрли мактабнинг юридик шахс бўлмаган филиалларини (кейинги ўринларда — филиаллар) 2023 — 2028 йилларда босқичма-босқич, бироқ ҳар йили камида 3 та ҳудудда ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Белгилансинки:

а) филиалларнинг асосий мақсади — тиббиёт муассасаларида гематология, онкология, клиник иммунология, бошқа стационар ва узоқ муддатли амбулатор даволанишда бўлган болаларнинг ҳаётга ижтимоий мослашуви, уларнинг мактабгача таълим ҳамда умумий ўрта таълим ташкилотларида таълимни давом эттиришга тайёрлигини таъминлаш ҳисобланади;

б) Меҳрли мактабда филиаллар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш учун — Меҳрли мактаб директорининг филиаллар билан ишлаш бўйича ўринбосари, ходимлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш учун — 1 та штат бирлигидан иборат кадрлар билан ишлаш бўйича инспектор лавозимлари жорий этилади;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 30 мартда эълон қилинган.

в) филиаллар тегишли тиббиёт муассасаларида ажратилган хоналарга текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилади;

г) филиаллар ходимларига Меҳрли мактаб ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади;

д) филиаллар ходимлари Меҳрли мактаб директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

е) ҳар бир филиалда қўйидаги лавозимлар жорий этилади:

мактабгача таълим ва тарбияни ташкил этиш учун — ҳар бир гуруҳ учун тарбиячи (1 та штат бирлиги) ва тарбиячи ёрдамчиси (1 та штат бирлиги);

умумий ўрта таълимни ташкил этиш учун — педагог ходимлар (3 та штат бирлиги);

психолог (1 та штат бирлиги);

ж) Меҳрли мактаб директорига, заруратга кўра, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан келишилган ҳолда, филиаллар ходимларининг умумий чекланган сони доирасида уларга ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилади.

4. Қўйидагилар:

«Меҳрли мактаб» давлат таълим муассасаси филиалларини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш схемаси 1-иловага мувофиқ;

«Меҳрли мактаб» давлат таълим муассасаси филиалларини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ишчи гуруҳ (Ҳ. Умарова, Э. Баситханова)га Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилган ҳолда, филиалларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини самарали йўлга қўйиш вазифаси юклатилсин.

6. Қўйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказида даволанаётган болалар учун мактабгача таълим ва тарбия ҳамда умумий ўрта таълим бериш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 5 майдаги 234-сон қарорига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин;

мазкур қарорни амалга ошириш бўйича топшириқлар рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири Ҳ.Ў. Умарова ҳамда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Ш. Иноятов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 29 март,
134-сон

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 29 мартдаги 134-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Меҳрли мактаб» давлат таълим муассасаси филиалларини
ташқил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш
СХЕМАСИ**

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддат
1-босқич	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	«Меҳрли мактаб» давлат таълим муассасаси филиалларини (филиаллар) очиш учун шарт-шароитларни ўрганати ва ўрганиш яқунлари тўғрисида «Меҳрли мактаб» филиаллари фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ишчи гуруҳ (Ишчи гуруҳ)га маълумот тақдим этади.	Ҳар йили 1 сентябрга қадар
2-босқич	Ишчи гуруҳ	1. Тақдим этилган маълумотларни ўрганати ва филиаллар очишнинг мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса тайёрлайди. 2. Ишчи гуруҳ хулосасини Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этади.	15 кун ичида
3-босқич	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликлари	1. Ижобий хулоса асосида филиаллар очиладиган тиббиёт муассасаларининг биноларини бюджет маблағлари ҳисобидан тайёрлайди (таъмирлаш, қурилиш ишларини бажариш ҳамда жиҳозлаш). 2. Филиалнинг жойлашуви ҳамда унинг фаолият бошлашга тайёрлиги ҳақида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигини хабардор қилади.	Хулоса олингандан сўнг 3 ой ичида
4-босқич	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги	1. Филиални у очиладиган тиббиёт муассасалари хоналарига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш чораларини кўради. 2. Филиал фаолиятини йўлга қўйиш, белгиланган лавозимлар бўйича штатларни киритиш, унинг низомини тасдиқлашни назарда тутувчи буйруқ чиқаради.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан хабардор қилингандан бошлаб 10 кун ичида
5-босқич	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги	Филиални ходимлар билан таъминлайди, шунингдек, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлайди.	2 ой давомида

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 29 мартдаги 134-сон қарорига
3-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказида даволанаётган болалар учун мактабгача таълим ва тарбия ҳамда умумий ўрта таълим бериш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 5 майдаги 234-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гематология, онкология, клиник иммунология, бошқа стационар ва узок муддатли амбулатор даволанишда бўлган болалар учун мактабгача таълим ва тарбия ҳамда умумий ўрта таълим бериш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида».

2. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гематология, онкология, клиник иммунология, бошқа стационар ва узок муддатли амбулатор даволанишда бўлган болаларга узлуксиз таълим-тарбия беришни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**».

3. 2-бандда:

а) иккинчи хатбошидаги «Халқ» сўзи «Мактабгача ва мактаб» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

в) тўртинчи хатбошидаги «Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлигига Молия вазирлиги билан келишилган» сўзлари «Мактабгача ва мактаб таълим вазирлигига Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) бешинчи хатбошидаги «(Марказ томонидан қопланадиган харажатлардан ташқари) Халқ» сўзлари «(тиббийёт муассасалари томонидан қопланадиган харажатлардан ташқари) Мактабгача ва мактаб» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) олтинчи хатбошидаги «Марказда» сўзи «тиббийёт муассасаларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) еттинчи хатбошидаги «Халқ» сўзи «Мактабгача ва мактаб» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) тўртинчи — еттинчи хатбошилар тегишинча учинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

4. 3-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Қуйидагиларни назарда тутувчи Гематология, онкология, клиник иммунология, бошқа стационар ва узок муддатли амбулатор даволанишда бўлган болаларга мактабгача ва умумий ўрта таълим беришни ташкил этиш тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:».

5. 4-бандда:

а) биринчи хатбошидаги «Молия» сўзи «Иқтисодиёт ва молия» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) учинчи хатбошидаги «Халқ» сўзи «Мактабгача ва мактаб» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. 6-бандда:

а) биринчи хатбошидаги «Халқ» сўзи «Мактабгача ва мактаб» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) учинчи хатбошидан «Мактабгача таълим вазирлиги билан биргаликда» сўзлари чиқариб ташлансин;

7. 8-банддаги «халқ таълими вазири Б.О. Саидов ҳамда Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири А.В. Шин» сўзлари «мактабгача ва мактаб таълими вазири Х.Ў. Умарова ҳамда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Ш. Иноятов» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Илова (Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказида даволанаётган болаларга мактабгача ва умумий ўрта таълим беришни ташкил этиш тўғрисидаги низом)да:

а) номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гематология, онкология, клиник иммунология, бошқа стационар ва узоқ муддатли амбулатор даволанишда бўлган болаларга мактабгача ва умумий ўрта таълим беришни ташкил этиш тўғрисида НИЗОМ»;

б) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ушбу Низом Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказида ҳамда гематология, онкология, клиник иммунология, бошқа стационар ва узоқ муддатли амбулатор шароитда тегишли давлат тиббиёт муассасаларида (кейинги ўринларда — тиббиёт муассасалари) даволанаётган болаларга мактабгача ва умумий ўрта таълим бериш жараёнларини ташкил этиш тартибини белгилайди.

Тиббиёт муассасаларида даволанаётган болаларга мактабгача ва умумий ўрта таълим бериш жараёнлари Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги юридик шахс бўлган «Меҳрли мактаб» давлат таълим муассасаси ҳамда унинг юридик шахс бўлмаган филиаллари (кейинги ўринларда — Меҳрли мактаб) томонидан ташкил этилади»;

в) 3-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Марказда» сўзи «тиббиёт муассасаларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 4-бандда:

иккинчи хатбошидаги «даволанаётларнинг» сўзи «даволанаётганларнинг» сўзи билан алмаштирилсин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилардан «Меҳрли мактабда» сўзлари чиқариб ташлансин;

д) 6-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Марказнинг» сўзи «тиббиёт муассасаларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

- е) 8-банддаги «Мактабгача таълим» сўзлари «Мактабгача ва мактаб таълими» сўзлари билан алмаштирилсин;
- ж) 9-банддаги «Марказда» сўзи «Меҳрли мактабда» сўзлари билан алмаштирилсин;
- з) 14-банддаги «дарсдан» сўзи «таълим жараёнидан» сўзлари билан алмаштирилсин;
- и) 15-банддан «Марказда ётган,» сўзлари чиқариб ташлансин;
- к) 17-банддаги «машғулотлар жадвали» сўзлари «болалар фаолиятининг кун тартиби» сўзлари билан алмаштирилсин;
- л) 24-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;
- м) 26-банддаги «Марказда даволанаётганлар учун Халқ» сўзлари «Даволанаётганлар учун Мактабгача ва мактаб» сўзлари билан алмаштирилсин;
- н) 27-банддаги «Халқ» сўзи «Мактабгача ва мактаб» сўзлари билан алмаштирилсин;
- о) 28-банддаги «Марказда» сўзи «тиббиёт муассасаларида» сўзлари билан алмаштирилсин;
- п) 29-банддан «Марказда» сўзи чиқариб ташлансин;
- р) 31-банддаги «Марказга» сўзи «тиббиёт муассасаларига» сўзлари билан алмаштирилсин;
- с) 32-банддаги «Марказдан» сўзи «тиббиёт муассасаларидан» сўзлари билан алмаштирилсин;
- т) 34-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«34. Даволанаётганларнинг якуний давлат аттестациясини ўтказиш тиббиёт муассасаларида даволаниш вақтига тўғри келганда якуний давлат аттестацияси Меҳрли мактаб томонидан, филиалларда эса асосий мактаб томонидан даволаниш муддати тугагандан сўнг ташкил этилади»;
- у) 35-банддаги «Марказда» сўзи «тиббиёт муассасаларида» сўзлари билан алмаштирилсин;
- ф) 36-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«36. Марказларда дарс машғулотининг давомийлиги 30 дақиқа бўлади. Болаларнинг саломатлик ҳолатига кўра дарс машғулотлари қисқартирилиши мумкин»;
- х) 39-бандда:
иккинчи хатбошидаги «Халқ» сўзи «Мактабгача ва мактаб» сўзлари билан алмаштирилсин;
қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:
«Филиалнинг фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси филиал психологига юклатилади»;
- ц) 41-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«41. Меҳрли мактаб директори ва унинг ўринбосарлари Мактабгача ва мактаб таълими вазири томонидан тайинланади ва эгаллаб турган лавозимидан озод этилади.
- Меҳрли мактаб ходимлари Меҳрли мактаб директори томонидан тайинланади ва эгаллаб турган лавозимидан озод этилади»;
- ч) 42-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«42. Меҳрли мактаб ходимларининг лавозим мажбуриятлари Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади»;

ш) 44-банддаги «Халқ» сўзи «Мактабгача ва мактаб» сўзлари билан алмаштирилсин;

э) 45-бандда:

биринчи хатбошидан «тажриба-синов тариқасида» сўзлари чиқариб ташлансин;

қўйидаги мазмундаги бешинчи ва олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«филиаллар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича директор ўринбосари — 1 нафар штат бирлиги;

кадрлар билан ишлаш бўйича инспектор — 1 нафар штат бирлиги»;

бешинчи — еттинчи хатбошилар тегишлича еттинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қўйидаги мазмундаги 45¹-банд билан тўлдирилсин:

«45¹. Меҳрли мактабнинг ҳар бир ташкил этиладиган филиаллари учун уларда таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш мақсадида қўйидаги лавозимлар жорий этилади:

умумий ўрта таълимни ташкил этиш учун — педагог ходимлар (3 та штат бирлиги);

мактабгача таълим ва тарбияни ташкил этиш учун — ҳар бир гуруҳ учун тарбиячи (1 та штат бирлиги) ва тарбиячи ёрдамчиси (1 та штат бирлиги);

психолог (1 та штат бирлиги)»;

ю) 46-бандда:

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Меҳрли мактаб директор ўринбосарлари учун ўқувчилар контингентининг биринчи гуруҳи учун белгиланган умумтаълим муассасалари ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарининг базавий тариф ставкаси қўлланилади»;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишлича бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қўйидаги мазмундаги 48¹-банд билан тўлдирилсин:

«48¹. Меҳрли мактаб директорининг филиаллар билан ишлаш бўйича ўринбосари:

филиаллар фаолиятини мувофиқлаштиради;

филиаллар томонидан олиб бориладиган таълим ва тарбия жараёнини назорат қилади;

филиалларга қабул қилинадиган ходимларни ишга қабул қилиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

филиалларда таълим ва тарбия олган болаларнинг мониторингини юрилади;

филиалларда таълим олган болаларга бериладиган маълумотнома тайёрлайди ҳамда Меҳрли мактаб раҳбари имзоси билан филиалларга юборади;

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган лавозим мажбуриятларига киритилган бошқа вазифаларни бажаради».

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 29 мартдаги 134-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 мартдаги 134-сон
қарорини амалга ошириш бўйича топшириқлар
РЎЙХАТИ**

1. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги:

а) Педагогик таълимни ривожлантириш бўйича республика кенгаши, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда олий таълим муассасаларининг педагогика таълим соҳаси йўналишларидаги ўқув дастурларига «Даволаш педагогикаси» модулини киритиш ҳамда мазкур фанни ўқув жараёнларига жорий этиш;

Масъуллар: олий таълим, фан ва инновациялар вазири И.Ю. Абдурахмонов, мактабгача ва мактаб таълими вазири — Ҳ.Ў. Умарова.

Ижро муддати: 2023 йил 1 октябрь;

б) Меҳрли мактабнинг уставига белгиланган тартибда тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш чораларини кўриш.

Масъул: вазир — Ҳ.Ў. Умарова.

Ижро муддати: икки ҳафта.

2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида манзилли ўрганишлар асосида тиббиёт муассасаларида филиалларни ташкил этиш юзасидан асослантирилган таклифларни шакллантирган ҳолда, Ишчи гуруҳга тақдим этиб бориш.

Масъул: соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари — Э.И. Баситханова.

Ижро муддати: ҳар йили 1 сентябрга қадар.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

а) 2023 йилда филиаллар фаолиятини ташкил этишда талаб этиладиган зарур маблағларни Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг тизимидаги ташкилотларига республика ва маҳаллий бюджетларга ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирилишини таъминлаш;

Масъул: иқтисодиёт ва молия вазирининг биринчи ўринбосари — лавозими бўйича.

Ижро муддати: 2023 йил 1 май;

б) 2024 йилдан бошлаб ҳар йили Давлат бюджети параметрларида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган ҳисоб-китобларга мувофиқ республика бюджети ва маҳаллий бюджетларда ушбу мақсадлар учун зарур маблағларни назарда тутиш.

Масъул: иқтисодиёт ва молия вазирининг биринчи ўринбосари — лавозими бўйича.

Ижро муддати: 2024 йил 1 январь.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ**

103 «16 ёшгача бўлган ногирон болаларни тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида кўриқдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2752-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 февралдаги ПҚ–74-сон «Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 10 декабрдаги 104 ва 41-сон «16 ёшгача бўлган ногирон болаларни тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида кўриқдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2752, 2016 йил 16 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3-сон, 27-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Иқтисодиёт ва молия вазири

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 17 март,
4-сон

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 16 март,
5-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 27 мартда эълон қилинган.

Келишилди:

*Камбағалликни қисқартириш ва
бандлик вазири*

Б. МУСАЕВ

2023 йил 15 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

104 Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжат айланиши тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1297-6*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 ноябрдаги ПҚ–419-сон «Ҳисобот тақдим этиш ва архив ҳужжатларини сақлаш тартиб-таомилларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2003 йил 23 декабрдаги 131-сон буйруғи (рўйхат рақами 1297, 2004 йил 14 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 1-2-сон, 24-модда) билан тасдиқланган Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжат айланиши тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Мазкур буйруқ иловасининг 4-банди 2023 йилнинг 30 апрелидан кучга киради.

Вазир

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 6 март,
3-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 28 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил
6 мартдаги 3-сон буйруғига
ИЛОВА

Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжат айланиши тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 1-банддаги «бошқа» деган сўз «нобанк» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Тегишли техник воситалар мавжуд бўлганда, бошланғич ҳужжатларни ва регистрларни, шунингдек товар-моддий захиралар, пул маблағлари ҳамда иш берувчининг ходимлари билан боғлиқ бўлган ички хўжалик операциялари бўйича қатнашчиларни идентификациялашни таъминлаган ҳолда тузилган ҳисоб ҳужжатларини ахборот тизимлари хизматлари ва ахборот технологиялари орқали юритишга йўл қўйилади. Бунда, мазкур Низом ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши лозим.».

3. 25 ва 26-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«25. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ҳамда юритиш билан боғлиқ ҳужжатлар қонунчиликда белгиланган муддатлар мобайнида, бироқ ҳисобот йилидан кейин камида беш йил бухгалтерия ҳисоби субъекти томонидан сақланади.

Бунда:

2022 йил 1 январдан кейин ҳисобланган жисмоний шахсларнинг иш ҳақи ва бошқа даромадлари ҳамда улар бўйича ҳисобланган солиқ суммалари тўғрисидаги ҳужжатлар;

давлат солиқ хизмати ва статистика органларига электрон тарзда топширилган молиявий, солиқ ва статистика ҳисоботлар;

солиқ органининг автоматлаштирилган ахборот тизимлари орқали электрон шаклда расмийлаштирилган ҳужжатлар мажбурий сақланмайди ва архивга топширилмайди.

26. Бошланғич ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари, молиявий ҳисоботларни бут сақланиши корхона раҳбари томонидан таъминланиши шарт.».

4. 34-банднинг биринчи хатбошисидagi «Меҳнат кодексининг 203-моддасида» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 343-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР
ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

105 «Электрон биржа савдо тизимига оид умумий талаблари
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз
кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1618-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 30 ноябрдаги 687-сон «Товар-хом ашё биржаларининг фаолиятини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2006 йил 13 июлдаги 01/20-ф-қ-сон «Электрон биржа савдо тизимига оид умумий талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1618, 2006 йил 24 август) (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 34-35-сон, 352-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Ш. ШАРАХМЕТОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 10 март,
01/15-05/01-сон

Келишилди:

Рақамли технологиялар вазири

Ш. ШЕРМАТОВ

2023 йил 14 февраль

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 29 мартда эълон қилинган.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил 17 мартдаги 4-сон ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 16 мартдаги 5-сон «16 ёшгача бўлган ногирон болаларни тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида кўриқдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»-ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2023 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2752-1.

2. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 6 мартдаги 3-сон «Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжат айланиши тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1297-6.

3. Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг 2023 йил 10 мартдаги 01/15-05/01-сон «Электрон биржа савдо тизимида оид умумий талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» ги қарори.

2023 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1618-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 10 декабрдаги 104 ва 41-сон «16 ёшгача бўлган ногирон болаларни тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида кўриқдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2752, 2016 йил 16 январь).

2023 йил 27 мартда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2006 йил 13 июлдаги 01/20-ф-қ-сон «Электрон биржа савдо тизимида оид умумий талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1618, 2006 йил 24 август).

2023 йил 27 мартда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.